

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ДАВРИДА САЙЛОВЧИЛАР ХУҚУҚИЙ  
МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Дастурнинг асосий мақсади фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилсин.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур Дастурда назарда тутилган асосий тадбирлар жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларига мўлжалланган бўлиб, тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, жумладан биринчи маротаба овоз берувчи фуқаролар, нурунийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, меҳнат жамоалари, камокда сақлаш жойларида вақтинча сақланаётган шахслар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишга йўналтирилсин.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида мақола эълон қилиш, эшиттириш ва кўрсатувлар турли хил рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур Дастурдаги барча тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини мувофиқлаштириб борсин.

4. Мутасадди ташкилотлар мазкур Дастурдан келиб чиққан ҳолда ўз режаларини ишлаб чиқсин ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳар ҳафтада маълумот бериб борсин.

5. Мазкур Дастурдаги тадбирлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “UzReport” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин.

6. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 7 октябрь,  
№ 748.*

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Марказий сайлов комиссиясининг*  
*2016 йил 7 октябрдаги 748-сон*  
*қарорига илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ДАВРИДА  
САЙЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

<b>Т/р</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
1.	“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун, сайловга оид турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини чоп этиш	октябрь	<b>Марказий сайлов комиссияси (М.Абдусаломов)</b> Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Адлия вазирлиги, ДБА, ТДЮУ
2.	Ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари учун сайлов ҳуқуқи масалалари бўйича ахборот ва услубий материаллар тайёрлаб, нашр қилиш	октябрь-ноябрь	<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов)</b> Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, ТДЮУ, ДБА, Марказий сайлов комиссияси
3.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасаларининг ўқув дастурларига сайлов ҳуқуқи ва маданиятга оид мавзуларни киритиш ва уларни алоҳида махсус курс сифатида амалга ошириш	октябрь-ноябрь	<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов)</b> Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, ДБА, Марказий сайлов комиссияси
4.	Республика фуқаролари — сайловчиларнинг ижтимоий фаоллигини социологик тадқиқ қилиш. Сайловчилар ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш	октябрь-ноябрь	<b>“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (Р.Убайдуллаева)</b> Республика Маънавият тарғибот маркази, ФЖШМҚМИ

5.	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида сайлов ҳуқуқи ва жараёнининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган учрашувлар ва “ҳуқуқий билимлар” машғулотларини ташкил этиш	октябрь-ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов)
6.	Сайловни ташкил этиш ва унда фуқароларнинг иштирок этиши мавзусида ўқув, ҳужжатли, илмий-оммабоп фильм ва видеороликлар яратиш	октябрь-ноябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (О.Мусаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев) ФЖШМҚМИ, ТДЮУ, ДБА, АҚХМИ, Марказий сайлов комиссияси
7.	Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, ҳарбий хизматчилар, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасаларининг тингловчиларига сайлов ҳуқуқи ва жараёни асослари бўйича ўқув машғулотлари ўтказиш	октябрь-ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов) Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Адлия вазирлиги, ДБА, АҚХМИ
8.	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида сайлов ҳуқуқи ва жараёнига оид билимлар бўйича олимпиадалар ва курс ишлари, рефератлар танловларини ўтказиш	октябрь-ноябрь	“Камолот” ЁИХ (Б.Ғаниев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов) Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Марказий сайлов комиссияси
9.	Радио ва телевидениеда сайлов ҳуқуқи мавзусида ёшлар танлови ва викториналар ўтказиш	октябрь-ноябрь	Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф.Абдухоликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
10.	“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги” доирасида	ноябрь	“Камолот” ЁИХ (Б.Ғаниев)

	ёшларнинг сайлов маданияти даражасини ҳамда электорал фаоллигини янада ошириш учун “Менинг овозим — Ватаним келажаги” акциясини ўтказиш		Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Марказий сайлов комиссияси
11.	Республика ва маҳаллий телерадиоканалларда сайлов комиссиялари иштирокида сайлов қонунчилигини тушунтириш, сайлов кампаниясида сайловчилар фаоллигини оширишга қаратилган чиқишлар ташкил этиш	октябрь-ноябрь	<b>Марказий сайлов комиссияси (М.Абдусаломов)</b> Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, АҚХМИ, Омбудсман, ТДЮУ, ДБА
12.	Сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича мақолалар туркумини тайёрлаш ҳамда марказий ва маҳаллий газета, журналларда эълон қилиш	октябрь-ноябрь	<b>Марказий сайлов комиссияси (М.Абдусаломов)</b> Адлия вазирлиги, ФЖШМҚМИ, АҚХМИ, Омбудсман, ТДЮУ, ДБА
13.	Сайловчиларнинг яшаш ва ишлаш жойларида сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайловларда овоз бериш қоидаларини тушунтиришга хизмат қилувчи учрашувлар, суҳбат, маъруза, савол-жавоблар ва бошқа тадбирлар ўтказиш	ноябрь	<b>“Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ж.Иноғомов)</b> Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, ТДЮУ, Марказий сайлов комиссияси
14.	Хорижда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — сайловчилар билан дастур доирасида тадбирлар ўтказиш	октябрь-ноябрь	<b>Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов)</b> Марказий сайлов комиссияси
15.	Сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар ва бошқа сайлов жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар, хотин-қизлар, ҳарбий хизматчилар, ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида сайлов комиссиялари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва	сентябрь-октябрь	<b>Марказий сайлов комиссияси (М.Абдусаломов)</b> Округ сайлов комиссиялари, Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, ФЖШМҚМИ, ТДЮУ

	оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилиб бориш		
16.	“Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки” мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил қилиш ҳамда мақолалар эълон қилиш	октябрь-ноябрь	<b>Хотин-қизлар қўмитаси (И.Баситхонова)</b> Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, ФЖШМҚМИ, Марказий сайлов комиссияси
17.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида: “Мен шахсан ўзим овоз бераман”; “Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз”; “Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор”; “Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз”; “Сайловчилар рўйхатида бормисиз?” акцияларини ўтказиш.	ноябрь	<b>“Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ж.Иноғомов)</b> Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИХ, “Нуроний” жамғармаси, ФЖШМҚМИ, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
18.	Интернатларда ҳамда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг дам олиш ва жамоат марказларида уларни сайлов жараёнларидан хабардорлигини ошириш бўйича хайрия кечалари, учрашувлар, давра суҳбатларини уюштириш	октябрь-ноябрь	<b>“Нуроний” жамғармаси (Ш.Усманов), Меҳнат вазирлиги (А.Абдуҳакимов)</b> Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Омбудсман, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИХ, ФЖШМҚМИ, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
19.	Ногиронлар уйлари ва муассасаларида “Мен	ноябрь	<b>Ўзбекистон Ногиронлар (К.Абдуллаев)</b>

	<p>жамиятнинг тўлақонли аъзосиман” мавзусида тадбирлар ўтказиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш ҳамда мақолалар эълон қилиш.</p> <p>Шунингдек, кўзи ожиз ногиронларнинг сайлов жараёнларидаги иштирокини таъминлаш мақсадида турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини чоп этиш ва тарқатиш</p>		<p><b>Карлар (Ж.Риқсиев) ва Кўзи ожизлар (А.Абдунабиев) жамиятлари</b></p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Меҳнат вазирлиги, Омбудсман, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси</p>
20.	<p>“Ягона оилада — В семье единой” шиори остида миллий маданий марказлар иштирокида Ўзбекистон фуқаролари миллати, диний мансублигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлигини, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокига, шунингдек миллатлараро тотувлик жамиятимиздаги барқарорлик омили эканлигига бағишланган телекўрсатув ва радио эшиттиришлар ташкил этиш ҳамда мақолалар эълон қилиш</p>	октябрь-ноябрь	<p><b>Республика байналмилал маданият маркази (Н.Мухаммадиев)</b></p> <p>Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, Омбудсман, Адлия вазирлиги, ФЖШМҚМИ, ДБА, ТДЮУ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари</p>
21.	<p>Санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамоқда сақлаш жойларида сайловга оид кўргазмали материаллар чоп этиш, радиороликлар тайёрлаш ва тарғибот тадбирларини ўтказиш</p>	октябрь-ноябрь	<p><b>Марказий сайлов комиссияси (М.Абдусаломов)</b></p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Омбудсман, Касаба уюшмалари Федерацияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, ФЖШМҚМИ, сиёсий партиялар, ДБА, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари</p>
22.	<p>Қамоқда сақлаш жойларида сақланаётганлар учун</p>	октябрь-ноябрь	<p><b>Омбудсман (У.Мухаммадиев)</b></p>

	сайлов ҳуқуқлари бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш		Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари
23.	Сайлов жараёни мониторингининг дастлабки оралиқ, ва якуний натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш	октябрь-декабрь	<b>Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (Ғ.Абдукаримов)</b>